




КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASINING 2017 ЙИЛ 3 ЯНВАРДАГИ «КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎРҚ-419-СОН ҚОНУНИ 3-МОДДАСИ:



Коррупция

шахсининг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш.



Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик

коррупция аломатларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонунчиликда жавобгарлик назарда тутилган қилмиш.



Манфаатлар тўқнашуви

шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахсининг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият.

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШДА ДАВЛАТ СИЁСАТИ



“Коррупциянинг ҳар қандай
кўринишига мурасасиз
бўлиш кундалик ҳаёт
тарзимизга
айланиши шарт”.

Шавкат Мирзиёев

2016-2022 йилларда:

6 та Қонуни



6 та Президент
Фармони




7 та Президент
қарори




Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг 3, 10, 83, 84 мақсадларида манфаатлар
тўқнашуви ва коррупцияга қарши курашиш бўйича вазифалар белгилаб қўйилган.

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ СОҲАСИДАГИ ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ



КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ



ТАРҒИБОТ ВА ТАЪЛИМ



КОРРУПЦИЯНИНГ
ОЛДИНИ ОЛИШ



КОРРУПЦИЯГА
ЧЕК ҚЎЙИШ ВА
ЖАВОБГАРЛИК

КОРРУПЦИЯГА ИМКОН БЕРУВЧИ САБАБЛАР

1



Салбий ижтимоий-маданий муҳит:

- Интизомсизлик;
- Ҳалолликнинг етишмаслиги;
- Жамоатчилик назоратининг етишмаслиги;
- Непотизм;
- Таниш-билишчилик;
- Бефарқлик ва бошқ.

2



Институционал тузилмалар:

- Ходимлар малакасининг пастлиги;
- Бошқарувнинг самарасизлиги;
- Ички ва ташқи назоратнинг сустлиги;
- Бюрократик тўсиқлар;
- Маъмурий тартиб-таомилларнинг мураккаблиги ва бошқ.

3



Қонунчиликдаги бўшлиқлар:

- Қонунларни четлаб ўтиш имконияти;
- Қонунларнинг мураккаблиги;
- Идоравий манфаатларнинг устувоарлиги ва бошқ.

КОРРУПЦИЯГА ИМКОН БЕРУВЧИ САБАБЛАРНИ
БАРТАРАФ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

1



Очиқлик ва
ҳисобдорлик

5

2



“Ҳалоллик вакцинаси”
тамойили асосидаги
таълим

6

3



Бюрократик
тўсиқларни бартараф
этиш

7

4



Манфаатлар
тўқнашувининг олдини
олиш

8



Самарали ички
назорат тизими



Самарали ижтимоий
ҳимоя



Агро хизматлар
қўрсатишни
рақамлаштириш



Коррупцияга қарши
экспертиза

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШДА ВАКОЛАТЛИ ОРГАНЛАР

Ўзбекистон Республикаси
Коррупцияга қарши
курашиш агентлиги


Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратураси

Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар вазирлиги

Ўзбекистон Республикаси
Давлат хавфсизлик хизмати

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги

Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий
жиноятларга қарши курашиш департаменти



КОРРУПЦИЯВИЙ ЖИНОЯТЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ

Республикада кузатилган коррупциявий жиноятлар Жиноят кодекси моддалари кесимида таҳлил қилинганда, таҳлил натижалари Жиноят кодексининг қуйидаги моддаларнинг энг кўп бузилиши ҳолатларини кўрсатган.

205-модда	Хокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш
206-модда	Хокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш
207-модда	Мансабга совуққонлик билан қараш
208-модда	Хокимият ҳаракатсизлиги
209-модда	Мансаб сохтакорлиги

210-модда	Пора олиш
211-модда	Пора бериш
212-модда	Пора олиш-беришда воситачилик қилиш
213-модда	Давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш
214-модда	Давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг қонунга хилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкий манфаатдор бўлиши
243-модда	Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш

КОРРУПЦИЯВИЙ ЖИНОЯТЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ

Коррупциявий жиноятларнинг содир этилишига сабаб бўлган асосий омиллар:

- Давлат харидлари билан боғлиқ қонун талабларига риоя этилмаганлиги
- Хуқуқбузарликка қарши курашиш борасидаги профилактика ишлари самарали тарзда олиб борилмаганлиги
- Давлат хизматчиларини танлов асосида саралаб олиш, лавозимга тайёрлаш ва юқори лавозимга кўтаришнинг шаффоф тартибининг мавжуд эмаслиги
- Айбланувчининг соҳага таалуқли бўлмаган хизматларга бириктирилганлиги
- Шахснинг (жабрланувчи) ўз манфаати йўлида қонунни четлаб ўтишга уриниши ёки бошқа тарздаги манфаатдорлиги сабабли жиноятга йўл очиб берганлиги
- Фуқороларнинг моддий манфаатдорлик ёки шахсий бойлик орттириш йўлида жиноятга қўл уриши каби омиллар коррупция билан боғлиқ жиноятларнинг содир этилишига имкон яратган.
- Давлат органлари ходимлари мансаб ёки хизмат маюбуриятларини бажариш чоғида манфатлар тўқнашувига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган шахсий манфаатдорликка йўл қўйганлиги
- Ишга қабул қилишда мансабдорнинг (ходимнинг) шахси лозим даражада ўрганилмаганлиги (муқаддам жиноят содир этганлиги ёки содир этишга мойиллиги), айбланувчининг малака даражаси етишмаслиги
- Айбланувчининг ижтимоий таъминланмаганлиги ёки адолатли меҳнат шароити ташкил этилмаганлиги
- Тизимда иш фаолияти тўғри йўлган қўйилмаганлиги, соҳада бюрократик тўсиқларнинг мавжудлиги (фаолиятнинг ўзи коррупцияга йўл очиб берганлиги)
- Иш хажмининг тўғри тақсимланмаганлиги ва малака хизмати кўрсатилмаганлиги

КОРРУПЦИЯГА ОИД ЖИНОЯТЛАРНИ СОДИР ЭТИШДА АЙБДОР ДЕБ ТОПИЛГАН ШАХСЛАРНИНГ ОЧИҚ ЭЛЕКТРОН РЕЕСТРИ ЮРИТИЛАДИ




“Коррупцияга оид жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган шахсларнинг очик электрон реестри” юритилади



Манба:

“Коррупцияга қарши мурасасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент Фармони

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASINING 2022 ЙИЛ 8 АВГУСТДАГИ «ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎРҚ-788-СОНЛИ ҚОНУНИ



11-моддаси	давлат фуқаролик хизматчилари давлат фуқаролик хизматидаги коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар фактлари тўғрисида хабар берган тақдирда, давлат ҳимояси билан таъминланишлиги;
15-моддаси	давлат фуқаролик хизматчилари томонидан коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга йўл қўйилмаслиги;
16-моддаси	давлат фуқаролик хизматчиси коррупцияга нисбатан мурасасиз муносабатда бўлиши ва коррупцияга олиб келиши мумкин бўлган ҳаракатларнинг (ҳаракатсизликнинг) олдини олиши шартлиги, коррупция фактлари тўғрисидаги ахборотга эга бўлса коррупцияни олдини олиш учун зарур чоралар кўриши, шу жумладан юқори турувчи давлат органини (мансабдор шахсини) ёки коррупцияга қарши курашиш бўйича махсус ваколатли давлат органини дарҳол хабардор қилиши ёхуд ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга мурожаат этиши кераклиги;
28-моддаси	коррупцияга оид жиноятларни содир этишда суд томонидан айбдор деб топилган шахслар давлат фуқаролик хизматига қабул қилиниши мумкин эмаслиги;
50-моддаси	давлат фуқаролик хизматчиси томонидан коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги Давлат фуқаролик хизматчиси фаолиятини тугатиш учун асос бўлиши кўрсатиб ўтилган.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2022 ЙИЛ 14 ОКТЯБРДАГИ 595-СОНЛИ ҚАРОРИ БИЛАН ТАСДИҚЛАНГАН «ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТЧИЛАРИ ОДОБ-АХЛОҚИНИНГ» НАМУНАВИЙ ҚОИДАЛАРИ



Давлат фуқаролик хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига
риоя этилишини таъминлаш бўйича қўшимча
чора-тадбирлар тўғрисида

“Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ҳамда давлат хизматчиларининг хизмат фаолиятига оид ва хизматдан ташқари одоб-ахлоқи, жамоатчилик билан муносабатларига доир қоидаларга риоя этилишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қуйидагилар:

Давлат фуқаролик хизматчилари одоб-ахлоқининг намунавий қоидалари (кейинги ўринларда – Одоб-ахлоқ қоидалари) 1-иловага мувофиқ;

Одоб-ахлоқ комиссияси тўғрисидаги намунавий низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Давлат органлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ва бошқа ташкилотлар 2022 йил 25 октябрга қадар ўз фаолияти хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда:

а) Одоб-ахлоқ қоидалари асосида марказий аппарат, ҳудудий ва таркибий бўлинмалар ходимлари учун мажбурий бўлган ходимларнинг идоравий одоб-ахлоқ қоидаларини;

ушбу қарор билан тасдиқланган Намунавий низом асосида Одоб-ахлоқ комиссияси тўғрисидаги низомни ва унинг таркибини тасдиқласин;

б) ички меҳнат тартиб-қоидаларини ва бошқа идоравий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин;

в) 2022 йил 1 ноябрга қадар ушбу банднинг ижроси бўйича амалга оширилган ишлар натижаси тўғрисида батафсил ахборотни тасдиқланган ҳужжатларни илова қилган ҳолда Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг тегишли таркибий бўлинмаларига тақдим этсин.

Давлат хизматчилари ўз касбий фаолиятини принциплари:

қонунийлик, давлат ва жамият манфаатларига содиқлик, адолатлилик, ҳалоллик ва холислик, коррупциявий ҳолатларга мурасасиз муносабатда бўлиш ва қарши курашиш; мансаб ваколатларини суиистеъмол қилмаслик; манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик асосида амалга оширишлари лозим.

Давлат хизматчиларининг хизмат фаолиятига оид одоб-ахлоқ қоидалари:

ўз хизмат вазифаларини виждонан, ҳалол ва юксак профессионал даражада бажаришлари, расмийчилик, сохтакорлик ва суиистеъмолчиликка йўл қўймасликлари, ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларга бирон-бир шахс, гуруҳ ёки идоралар манфаати нуқтаи назаридан ёндашмасликлари ҳамда уларнинг манфаатлари ифода этилишига йўл қўймасликлари, ҳар қандай қонунбузилишига, айниқса, коррупция ҳолатларига қарши мурасасизлик билан курашишлари, хизмат сафарлари, назорат тадбирлари давомида меҳнат фаолияти билан боғлиқ бўлган ҳар қандай турдаги сарф-харажатларни бошқа шахслар ҳисобидан амалга оширмасликлари, давлат хизматчилари ёки бошқа шахслар томонидан жиноят ёки бошқа ҳуқуқбузарлик содир этишга ундовчи мурожаатлар ҳақида, шунингдек, ҳамкасблари томонидан содир этилган ёки тайёргарлик кўриладиган қонунбузилишлар ҳақида ўзининг раҳбарига зудлик билан маълум қилишлари, ўз хизмат мажбуриятларини бажараётганда фуқаролар ва бошқа шахсларни камситмасликлари, уларнинг таъсиридан сақланишлари, фуқаролар ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва қонуний манфаатларини ҳисобга олишлари, ўз хизмат мажбуриятларини виждонан бажаришга тўсқинлик қилиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатлардан сақланишлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қонунда белгиланган тартибда ҳамда муддатларда қонуний, асосли ва адолатли ҳал қилишлари лозим.

Давлат хизматчиларининг касбий маданиятга оид умумий одоб-ахлоқ қоидалари:

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор қарорларни қабул қилишда қонунийликни, адолатлиликни ва шаффофликни таъминлашлари, давлат ва жамият манфаатларига зарар етказувчи, давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти самарадорлигини пасайтирадиган ҳаракатлар (ҳаракатсизлик)дан тийилишлари, давлат органлари ва ташкилотлари, давлат хизматчилари ва бошқа шахсларга ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда шахсий масалалар юзасидан таъсир ўтказмасликлари, қонун билан интизомий, маъмурий ва жиноий жавобгарлик назарда тутилган ҳуқуқбузарлик ва бошқа хатти-ҳаракатларга йўл қўймасликлари, сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат ташкилотлари манфаатлари йўлида хизмат мавқеи ва имкониятларидан фойдаланмаслиги лозим.

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ИЧКИ НАЗОРАТ (КОМПЛАЕНС-НАЗОРАТ) ТИЗИМИ



Ўзбекистон Республикасини Президентининг 2020 йил 29 июндаги «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-6013-сонли Фармонида асосан барча давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари ва устав капиталида давлат улуши бўлган корхоналар, шу жумладан банкларда коррупцияга қарши ички идоровий назорат (комплаенс назорат) тизимларини босқичма-босқич жорий этиш белгиланди.



Коррупцияга қарши ички назорат (“комплаенс-назорат”) тизими—ташкилот фаолиятини коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги халқаро стандартлар, қонун ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ташкил этилишини таъминловчи, коррупция хавф-хатарлари ва манфаатлар тўқнашувини ўз вақтида аниқлаш ҳамда уларга чек қўйиш, қонун бузилиши ва коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар бериш каби қатор профилактик чораларни ўзида мужассам этган самарали тизим ҳисобланади.



2020 йил 15 мартда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратура ташаббуси билан Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан ҳамкорликда қишлоқ хўжалиги соҳасида коррупцияга қарши самарадорликни янада такомиллаштириш мақсадида босқичма-босқич комплаенс назорат тизимини жорий этиш тартиби келишилди ва «Коррупцияга қарши курашишни янада такомиллаштириш бўйича Йўл харитаси» тасдиқланди.



КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ИЧКИ НАЗОРАТ (КОМПЛАЕНС-НАЗОРАТ) ТИЗИМИ

ТИЗИМ АСОСИДА ҚУЙИДАГИЛАР ТАРТИБГА СОЛИНАДИ:

1. Давлат харидларини амалга ошириш ва назорат қилиш

2. Коррупцион хавф-хатарларни аниқлаш

3. Коррупцияга қарши ички идоравий ҳужжатларни ишлаб чиқиш

4. Қонун бузилиши ва коррупция ҳолатлари ҳақида хабар бериш тартиби

5. Манфаатлар тўқнашувини бошқариш тартиби

6. Давлат хизматчиларнинг одоб-ахлоқ қоидалари

7. Иш юзасидан совғалар бериш ва олиш тартиби

8. Номзодларни ишга қабул қилишнинг очик ва шаффоф тартиби

9. Хайрия ва ҳомийлик ёрдами кўрсатиш тартиби

10. Хизмат сири ва маълумотларининг конфиденциаллигини сақлаш тартиби

11. Хизмат текширувларини ўтказиш тартиби

СЕРТИФИКАТ



Орган по сертификации «CERT INTERNATIONAL» s.r.o., основываясь на результатах аудита, проведенного в соответствии с процедурами сертификации, подтверждает, что система менеджмента противодействия коррупции:

**Центральный аппарат
Министерства сельского хозяйства
Республики Узбекистан**

Республика Узбекистан, 100140, Ташкентская область,
Кибрайский район, улица Университетская, 2

Управление сельского хозяйства Ташкентской области

Республика Узбекистан, 111500, Ташкентская область,
город Нурафшан, улица Хуррамлик, 5

в области:

**Осуществление единой государственной политики в сфере
сельского хозяйства и продовольственной безопасности**

соответствует требованиям стандарта:

ISO 37001:2016

Сертификат №: ABMS-0550/A
Заказ №: 2071/01
Действителен с: 13.01.2022
Действителен до: 12.01.2025
(при условии прохождения ежегодных наблюдательных аудитов)




Руководитель
Органа по сертификации
13.01.2022



Қишлоқ хўжалиги вазирлиги 2021 йилда коррупцияга қарши курашиш бўйича халқаро ISO 37001:2016 стандарти "Коррупцияга қарши бошқарув тизими" сертификатиغا эга бўлди.

ISO 37001:2016 халқаро стандарт талабларига муофиқ 2021 йил 15 декабрдан Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, ҳудудий бошқармалар ва тизим ташкилотларида коррупцияга қарши курашиш бўйича бошқарув тизими жорий этилди.



ISO 37001:2016 халқаро стандарти - бу ташкилотда коррупцияга қарши самарали тизимни яратиш учун халқаро моделни ўз ичига олган дунёдаги биринчи халқаро стандарт ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг коррупцияга қарши курашиш менежмент тизими халқаро стандарт талабларига мувофиқ ички ҳужжатлардан ташкил топган бўлиб, у бутун вазирлик тизимининг доимий назорат остида бўлишини таъминлайди.



ХАЛҚАРО СТАНДАРТ ТАЛАБЛАРИ БЎЙИЧА
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ
ТИЗИМИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ
СОҲАСИДА ҚУЙИДАГИ ИЧКИ ИДОРАВИЙ
ҲУЖЖАТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Коррупцияга қарши курашиш СИЁСАТИ

Манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича НИЗОМ

Ходимларининг коррупциявий хатти-ҳаракатлари ва одоб-ахлоқ қоидаларини бузиш
ҳолатлари устидан хизмат текширувлари ўтказиш бўйича РЕГЛАМЕНТ

Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш УСЛУБИЁТИ

Контрагентларни текширишга оид ЙЎРИҚНОМА

Алоқа каналлари орқали коррупциявий хатти-ҳаракатлар тўғрисида
келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш РЕГЛАМЕНТИ

Коррупцияга қарши тартиб-таомилларнинг самарадорлигини
мониторинг ва назорат қилиш УСЛУБИЁТИ

Коррупцияга қарши кураш тизимининг ҳолати тўғрисидаги ҳисоботни
шакллантириш ва тақдим этиш бўйича НИЗОМ



**АГАР СИЗГА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИГА ОИД ҚОНУНЧИЛИК БУЗИЛИШИ ҲОЛАТЛАРИ ЁКИ
ХОДИМЛАРИНИНГ КОРРУПЦИЯ БИЛАН БОҒЛИҚ ҒАЙРИҚОНУНИЙ ХАТТИ-ҲАРАКАТЛАРИ МАЪЛУМ БЎЛСА,
БИЗНИ ХАБАРДОР ҚИЛИШИНГИЗНИ СЎРАЙМИЗ!!!**



1243-қисқа рақами



@UzAgroAnticorruptionBot



www.agro.uz



**ЭЪТИБОРИНГИЗ
УЧУН РАҲМАТ!**

